

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС
СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

Xudayqulov X.

СамИСИ, “Банк иши” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni kreditlash ҳолати ва муаммолари ва хulosалар, тавсия ва takliflar борасида фикр юритилади

Калит сўзлар: kichik biznes, tadbirkorlik, investitsiya, biznesni yuritish, банк хизматлари.

**PROBLEMS OF IMPROVING THE PRACTICE OF LENDING TO
SMALL BUSINESS SUBJECTS BY COMMERCIAL BANKS**

Khudaykulov Kh.

Teacher of department “Banking”, SamIES

Annotation: The article discusses the state and problems of lending to small businesses and private enterprises, as well as conclusions, recommendations and suggestions.

Keywords: small business, entrepreneurship, investment, business management, banking services.

Юқори ва барқарор суръатдаги иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорлик тижорат банкларидан банк тизимини босқичма-босқич ривожлантириш асосидқа унинг барқарорлигини таъминлашни, янги ечимларни излаб топишни, кредит ташкилотларининг рақобатбардошлиги ва банк назоратини оширишни, шунингдек, банк омонатчиларининг ва бошқа кредиторларнинг ишончини мустаҳкамлаш ҳамда муҳофаза қилишни талаб этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бизнес юритиш учун қулай ишбилиармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари, кафолатларини мустаҳкамлаш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш, чет эл инвеститсияларини фаол жалб этиш ва инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ишбилиармонлик муҳитини яхшилаш бўйича кўрилаётган чоратадбирларнинг кўлами ва самарадорлиги нафақат мамлакатимиздаги инвеститсион фаолликнинг ортиши билан, балки нуфузли ҳалқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентниклари томонидан берилаётган муносиб баҳо билан ҳам ўз исботини топмоқда. Хусусан, сўнгти 5 йил давомида Жаҳон банки ва Ҳалқаро молия корпоратсиясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтинги 2 баравардан ортиқ яхшиланди.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб бораётганлигини исботи сифатида, қуйидагиларни келтиришимиз мумкин.

БМТнинг жаҳон мамлакатлари фаровонлиги даражасини ўрганувчи маркази - The World Happiness Report 20 март Бутунжаҳон Бахтиёрик куни олдидан “Баҳт индекси”ни эълон қилди. Унда дунёнинг 156 давлати ахолисининг ҳаётига баҳо берилган. Ҳисоботга кўра МДҲ мамлакатлари орасида ўзбекистонликлар биринчи ўринда экани маълум бўлди. Юртимиз жаҳондаги энг баҳтли 50 мамлакатдан бири сифатида эътироф этилди ва 44-ўринни эгаллади (ўтган йилги ҳисоботда 47-ўринда эдик).

Юқоридаги маълумотлардан бир нарса маълум бўладики, Республикализ Президенти томонидан олиб борилаётган кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган самарали сиёсатининг натижаси ўлароқ, энг яқин қўшни республикалардан сезиларли даражада олдинда эканлигимизни кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга, Ўзбекистондаги бизнес юритиш учун мавжуд шартшароитлар халқаро нормалар ва стандартлар талаблариға ҳанузгача тўлиқ жавоб бермайди. Айрим давлат органлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида эълон қилинган ислоҳотларнинг амалдаги ижросини етарли даражада таъминламаяпти.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар фаолиятининг аниқ мувофиқлаштириб борилмаслиги, шунингдек, улар раҳбарлари жавобгарлигининг паст даражадалиги сабабли айрим соҳаларда бизнес юритиш шароитларини яхшилаш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалиётда рўёбга чиқариш устувор вазифалар ва ислоҳотларнинг ўзаро боғлиқ йўналишларини эътиборга олмасдан амалга оширилмоқда ҳамда барча ҳолларда ҳам кутилган самарани бермаяпти.

Энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамжамиятда мамлакатнинг ижобий қиёфасини шакллантириш, ҳудудларда бизнес юритиш шароитларини яхшилаш юзасидан якуний натижаларга эришиш учун ваколатли органлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш тўққизта шаклни ўз ичига олади. Ушбу шаклларнинг тўлиқ тизимда ишлиши мамлакатимизда кичик бизнесни ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Инвеститсия муҳитини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг стратегик мақсади – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвеститсияларини жалб қилиш учун мамлакатда 2022 йилгача Жаҳон банки ва Халқаро молия корпоратсиясининг “Бизнес юритиш” ҳисботидаги жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирматалиги даражасига мос келадиган энг қулай шарт-шароитларни яратишдир.



1-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари¹

Бизнинг ривожланиш стратегиямизнинг бир қисми сифатида асосий секторни сифатида саноат базасини ва ташки савдо ҳажмини оширишни ривожлантиришга қаратилган сайд-харакатларимизни фаоллаштиришимиз керак. Маълумки, бу глобаллашув даврида ҳар қандай мамлакатга чет эл товарлари оқимини тўхтатиш мумкин эмас. Фақат сифатли маҳсулот жаҳон бозоридаги қийинчиликларни қондириши мумкин. Бунга эришиш учун кичик ва ўрта бизнес субъектларидан сифатли маҳсулотларни рақобатбардош нархларда ишлаб чиқариш учун технологик имкониятларини ва ишлаб чиқариш обьектларини янгилашни талаб этади.

Хорижий мамлакатларда кичик бизнес субъектларини кредитлаш борасида орттирилган бой тажрибаларни ўрганган ҳолда республикамизда қуидаги соҳаларни ривожлантириш зарур деб ўйлаймиз:

¹ 2018 йил 9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Банк молия академиясида Халқаро валюта фонди (IMF) вакиллари томонидан “Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари миңтақасининг иктисодий ривожланиш истиқболлари–2018” (2018 Regional Economic Outlook for the Caucasus and Central Asian countries) тақдимоти маълумотлари асосида тайёрланди.

- ❖ электрон ва электр техникалари ишлаб чиқариш;
- ❖ енгил муҳандислик ва металлни қайта ишлаб чиқариш;
- ❖ агро-қайта ишлаш/агро-бизнесни ривожлантириш;
- ❖ тери ва чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- ❖ трикотаж ва тайёр кийим ишлаб чиқариш;
- ❖ пластик ва бошқа синтетик материаллар ишлаб чиқариш;
- ❖ соғлиқни сақлаш ва диагностика соҳасини ривожлантириш;
- ❖ таълим хизматларини ривожлантириш;
- ❖ туризм хизматини ривожлантириш;
- ❖ меҳмонхона ва хизмат кўрсатиш тизимларини ривожлантириш;
- ❖ дори-дармон воситалари, косметика воситалари, парфюмерия материалларини ишлаб чиқариш. Ушбу соҳаларни ривожлантириш мамлакат ЯИМни ўсишига жуда катта ҳисса қўшади.

Албатта, барча бизнес лойиҳаларимизни амалга оширишимиз учун бизга сармоя яъни пул маблағлари керак бўлади. Шуниси, дикқатга сазоворки пул маблағлари манбалари қаердан, қандай қилиб шаклланиши муҳим эмас, унинг ҳукуқий асосга эга эканлиги арzon ва тез топилишидадир.

Илғор хориж тажрибасини ўрганиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун пул маблағларининг манбалари сифатида қўйидагиларни келтирамиз:

- ўз маблағлари, сақланган ёки мерос қилиб олинган шахсий маблағлар;
- қариндошлар ва дўстлар томонидан берилган қарзлар, қариндошлар ёки дўстларингиз, дўстларингиздан арzon ёки манфаатдор бўлмаган баъзи бир пулларни олиш имкони бўлиши мумкин;
- савдо кредити;
- ускунани сотувчидан кредитлар;
- ипотека кредитлари;

- тиҷорат банки кредитлари;
- давлат мақсадли маблағлари;
- ҳамкорлар маблағлари;
- турли манбалар.

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашда кўплаб муаммолар мавжуд бўлиб уларни ечими бўйича қуидагича хulosалар қилиш мумкин.

1. Ресурс танқислиги: хом ашё етишмаслиги, кичик ва ўрта бизнес субъектлари экспортга йўналтирилган бўлиши ва халқаро бизнеснинг янада илгор босқичларига чиқиш имкониятини чеклайди;

Республикамиз дунёда ўзининг фойдали қазилма бойликларига эгалиги ва улардан тайёрланган товарлар ўзининг сифати жиҳатидан рақобатбардошлиги билан ажралиб, экспортни рағбатлантириши мумкин;

2. Юқори даражадаги ходимларнинг айланмаси: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларнинг чекланган ўсиши туфайли малакали ходимларнинг кўпчилиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлардан чиқиб кетади.

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши чекланмаганлиги ва ундан кўрадиган даромаднинг юқорилиги сабабли, барча яхши кадрлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

3. Замонавий технологияларнинг йўқлиги: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг асосий тўсиқларидан бири етарли бўлмаган технологиялардир. Кўпгина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари замонавий технологияларни қабул қила олмайдилар.

Юртимизда ҳозирги кунда энг сўнгги техника ва технологиялар ривожланган давлатлардан келтирилиб келинмоқда, нафақат

келтирилмоқда балки шу ердаги ёш мутахассислар малакаларини ошириб келиб ундан самарали фойдаланишмоқда.

Фойдаланилган адабиётдар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 2000 й. 15 июнь. 51 модда. <http://lex.uz/docs/31846> 8-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги “Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2746-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 23 мартағи ПҚ 3620 сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5242-сонли Фармони.
5. 2018 йил 9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Банк молия академиясида Халқаро валюта фонди (IMF) вакиллари томонидан “Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари миңтақасининг иқтисодий ривожланиш истиқболлари–2018” (*2018 Regional Economic Outlook for the Caucasus and Central Asian countries*) тақдимоти маълумотлари.
6. Bekmurodov A. A. IMPROVING THE INTRODUCTION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN COMMERCIAL BANKS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 9. – №. 10. – С. 355-357.
7. Amriddinovich B. A. Features of api services in the implementation of transformational processes in the activities of commercial banks //World Economics and Finance Bulletin. – 2022. – Т. 7. – С. 27-31.
8. Ziyadullayevich X. H. Analysis of Financial Stability of Commercial

Banks and Influenced Factors //Miasto Przyszłości. – 2022. – T. 29. – C. 239-241.

9. Каримова А. Совершенствование банковского кредитования инновационного развития предприятий сферы туризма //Экономика и образование. – 2021. – №. 4. – С. 59-65.

7. Bekmurodov A. THE IMPACT OF TRANSFORMATION PROCESSES ON THE ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS //Archive of Conferences. – 2021. – С. 52-54.

8. Malikova D. METHODOLOGY FOR EFFECTIVE ASSESSMENT OF THE LEVEL OF ECONOMIC SECURITY OF BANKS //Innovative Society: Problems, Analysis and Development Prospects. – 2023. – С. 96-98.

9. Zuhur N. et al. TRANSITION OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS OF UZBEKISTAN TO A CREDIT-MODULAR SYSTEM //ResearchJet Journal of Analysis and Inventions. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 123-127.